



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 11 октябрь, №208 (3320)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН — ГРУЗИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 9-10 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борда Грузия билан тўла ҳамкорлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифта катта тайёргарлик кўрган аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислон Каримовнинг сурати ва "Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!" сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.


Президентларнинг Қрианис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи кунини кенгайтирилган таркибдаги музокара-лар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатда кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди. Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқни ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислон Каримов билан суҳбат аjoyиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. «Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борда барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик», деди Э.Шеварднадзе.

Ислон Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечатган жараёнлар ҳамда дунёда фикр алмашиш учун қудай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонида миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДХ, ЕХХТ ва бошқа халқаро таш-



килот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши бир-бирига қўллаш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истagini баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўламини салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислон Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар-аро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳа-

даги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ мuddатли тараққиётига ҳам қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаолаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклди.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислон Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Потн бандагроҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини тақлиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидagi бандагроҳлар билан рақобатлашувига имкон яратган ҳолда, Ўзбекистон учун янги қудайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келти-

риш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қилляпти. Унингнинг Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мумкин. Яқинда оғир ку ташувчи автомобилларнинг биринчи қарови Брюсселдан Афғонистонга етиб бортани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчиларини олдида турган вақт эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлади, АКШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўлигини таъкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотик борасида анъанавий муҳасулотлар билан чек-

ланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, бундай экспорт қилиш мумкин. У ёқдан бегдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлиқ киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтиш шартлари, даврий наشرлар ва китоб муҳасулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислон Каримовнинг Тбилисида сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жойки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саёй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари турари. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатларини ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асосида Ислон Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислон Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўнган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хорик фуқароларига бериладиган олий мукофоти — "Оҳрус верди" ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини раванқ топтиришга қўнган катта ҳиссаси учун Грузия Президентида давлатимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берилган қўллаб амалий натижалар билан якунида. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очилиши шубҳасиз.

Анвар БОБОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Тошкент-Тбилис-Тошкент.
СУРАТДА: ташриф пайти.
Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Олий Мажлисда

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича парламент комиссияси таркибда жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ олтига кичик комиссия тuzилган эди. Олий Мажлисда ана шулардан бири — суд-ҳуқуқ ислохоти масалалари бўйича кичик комиссия мажлиси бўлиб ўтди.



КИЧИК КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Унда суд-ҳуқуқ ислохотини янада чуқурлаштириш концепцияси, Президентимиз Ислон Каримовнинг иккинчи чакриқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгилаб берилган дастурий вазифаларни амалга ошириш тадбирлари қандай бажарилаётганини муҳокама қилинди.

Ингиллида таъкидланганидек, суд докиятининг самарадорлиги бу тизим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қанчалик сифатли ва ўз вақтида ҳимоя қила олишига ҳамда қонунийликни таъминлашига қараб белгиланади. Шу боис инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари муҳофаза қилинишини давлат томонидан амалга оширадиган орган сифатида суднинг роли кучайтирилган метърларни қонун ҳужжатларида янада изчиллик билан муҳасам топтириш зарур.

Мажлисида олимлар ҳамда

мутахассислар томонидан тайёрланган ва жиноят ишларини кўриб чиқиш тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг лойиҳалари муҳокама қилинди. Жумладан, жиноят ишларини судла кўриб чиқишнинг илмий-амалий жиҳатлари тўғрисидаги ахборотлар эшитилди. Шунингдек, жиноят содир этилган ҳолларда жабрланувчининг аризасига кўра ҳаракат қилиниши, яъни «хусусий айблов» институтини процессуал қонунчиликка жорий этиш ҳамда яраштириш институтининг амал қилиш доирасини кенгайтириш мақсадида мувофиқлиги тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Кичик комиссия ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш юзасидан муҳокама ижралари асосида тегишли муассасаларга ўз тавсияларини берди.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Кеча Ёшлар ишлари қўмитасининг йигилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Азамат Зиё бўлган мазкур йигилишда «Ўзбекистон Республикасида ёшларларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуinning Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси кўриб чиқилди.

Бутунги кунда Қорақалпоғистон аҳолисининг 35,7 фоизини 14дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шу боис «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши қарори асосида тuzилган Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш маркази ёш авлод ҳаётида ўз ўрнини эгаллашга амалий ёрдам бериб келмоқда. Бироқ, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилганга қарамастан ёшлар содир этган жиноятлар сони ўсиб бормоқда. Бу, айниқса, Нукус, Ташкент шаҳарлари, Қўнғирот, Нукус, Элкўқалта, Мўйноқ ва Шуманай туманларида таълуқлидир. Зеро, йигилишда болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишларни тубдан яхшилаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тўғри, ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш борасида қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Хусусан, таълим муассасалари учун янги бинолар қурилоқ-

да, ўқув жиҳозлари билан таъминлаш борасида мақтовга эришилган ишлар бор. Нукус, Ташкент шаҳарларидаги умумтаълим мактабларини компьютерлар билан таъминлаш саксон фоизга етган. Ёшларнинг таълим кредитларини олиш бўйича мувожазлари эса юз фоиз қондирилган. Аммо халқ таълими муассасаларини қузиқ-қиқиқи мавсумга тайёрлаш, ўқувчиларни дарсдик, ўқув қуроллари ва спорт анжумалари билан таъминлаш кўнглидаги деб бўлмайди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон таълим муассасаларидаги жилдик муаммо пелатог кадрларнинг етиштирилиши, Табиийлик, бу ҳол ёшларни ана шу мутахассисларга бўйича ўқитиш жалб қилишда тартиб-ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Бутунги кунда Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатётган талбиркорлик субъектларининг 50 фоизини 18-30 ёшлар ташкил этади. Ҳисобот даврида ёш талбиркорларга 1 миллиард 7,2 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Бу қўнмарни, дегини улар етарли даражада ҳуқуқий билимни эга эмас. Ингиллида маҳаллий ҳокимият тегишли ташкилотлар уларни керакли метърый ҳужжатлар билан таъминлади, ўқув сенинарлари ташкил этиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Х. ЭШМАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (У.Султонов) ўз қарорларини «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 29 август.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил

мулкни бўлишга; фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тuzишга; хайриятлар, бадаллар, грантлар ва бошқа маблағлар олишга; судла, бошқа органлар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишга; оммавий ахборот воситалари талсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга оширишга;

Ўз фаолияти тўғрисида маълумотлар тарқатишга; нақолхоналар очини ва филиаллар ташкил этишга; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда тақлифлар киритишга; халқаро алоқалар ўрнатилиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тuzиш ҳамда халқаро дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этишга ҳақи.

Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-модда. Фонднинг мажбуриятлари

Фонд:

- Ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва фонднинг уставига мувофиқ амалга ошириши;
- Фонд фаолиятининг ошкоралигини таъминлаши ва фонднинг мол-мулкдан фойдаланишини тўғрисида ҳар йили ҳисоботлар эълон қилиши;
- руйхатдан ўтказуви орган вакилларига фонд ўтказадиган талбирларга эркин кириш имкониятини бериши;
- Ўз фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига ҳисоботлар тақдим этиши шарт.
- Фонд эъмасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. ФОНД ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ

20-модда. Фонднинг мол-мулки

Муассеслар (муассис) ёки ваяят қилувчи томонидан фонда ўтказилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк фонднинг мулкидир.

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қорғозлар ва ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиши мумкин.

Фонд муассеслари (муассиси) ёки фонд ваяятнома бўйича ташкил этилганда ваяятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассесларнинг (муассесининг) ёки ваяятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Фондини ташкил этиш учун зарур дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фонднинг мол-мулки муассеслар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан фақат фонд уставига белгиланган мақсадлар ҳамда ваяятларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Фонднинг мол-мулкдан гаров ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа усули сифатида фойдаланилиши, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

21-модда. Фонднинг мол-мулкнинг шакллантириш манбалари

Фонднинг мол-мулкнинг шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- муассеслар (муассис) томонидан бир йўла тўланган (ўтказилган) ёки мунтазам келиб турадиган пул ва бошқа тушумлар;
- фонд ваяятнома бўйича ташкил этилган тақдирда ваяят қилувчининг фонда ўтказилган мол-мулки;
- юрдик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриятлари;
- юрдик ва жисмоний шахслар, давлат, чет эл ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;
- фонднинг талбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойдал);
- қонун ҳужжатларига тақдирланган бошқа манбалар.

22-модда. Фонднинг талбиркорлик фаолиятини амалга ошириши

Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ талбиркорлик фаолияти билан ўз уставига белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин.

Талбиркорлик фаолиятининг айрим турлари фонд томонидан фақат лицензия асосида амалга оширилиши мумкин.

Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондлаши (устав капиталли) иштироки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши.

23-модда. Фонднинг ўзига алоқадор шахслар билан муносабатлари

Фонда алоқадор шахслар қуйидагилардир:

- фонд муассеслари (муассиси) ёки фонд ваяятнома бўйича ташкил этилганда ваяятномани ижро этувчи;
- фонд муассеслари (муассиси) ёки фонд ваяятнома бўйича ташкил этилганда ваяятномани ижро этувчи билан яқин қариндошлик; ёки қуд-андачилик алоқалари бўлган шахслар, шунингдек мазкур муассесларнинг (муассесининг) ёки ваяятномани ижро этувчининг кредиторлари;
- фонд муассеслари (муассиси) бўлиши юрдик шахсларнинг иштирокчилари, кредиторлари, шунингдек улар

Орамиздаги одамлар

Тонг отмоқда. Атроф жим-жит. Хали кушлар бозори бошланмаган. Кунчиқарга қаратиб солинган кўлбола шийпонинг айвонида эллик ёшларни қоралаган чакмоқдек йигит чордона қуриб ўтирибди. У кўлидаги торини сайратиб қўшиқ айтаётти. Навоий бобонинг ўлиги сатрлари қадим дашт узра парвоз этиб, кўкка ўрлайди. Юз қадамча наридаги дала йўлидан ўтиб бораётган деҳқонлар қадамларини секинлатиб, қўшиққа кулоқ осадилар. Улар дунёнинг ўзидек кўхна ва ҳикматга йўғрилган сўзлар магзини чакмоқчи бўладилар.



га тикилиб қолди. — Дарвоқе, суд натижаси нима бўлди? — Нима бўларди, бизнинг фойдамизга қол бўлди. Бу бошландиқ маълум эди. Қонунларимиз кучга кирса, амалдорларнинг зўравонлиги ўтмас экан. Суд бизни ҳақли, деб топди. Орада ҳалиги туман раҳбарининг ҳижолат бўлгани-ю, бизнинг сарсон бўлганимиз қолди, холос. Лекин бир тарафдан яхши ҳам бўлди. Баъзи бировларнинг кўзи очилди. Яширалиган ери йўқ, халқимиз орасида ҳали ўзининг ҳақ-ҳуқуқини танимайтиганлари талайгина. Шуларга бизнинг можаромиз бир ўрнак бўлди, сабоқ бўлди, деб ўйлайман. Анча-мунча ачиқ-чучуқни тотиб кўриб, кейинги пайта бир

лан «Заркокил»дан битта узинг-чи, кўрамиз, «Шакар-палак»ми-йўқми? Олмазор ортига қараб юрдиқ. Йўл-йўлакай Нусратилла ҳўжалитидан сўзлайди. Икки ўғли уй-жой қилиб дашта яқин ерга — «Дустлик» мавзеига кўчиб келишибди. Энди келинлари, ўғиллари, неваралари, бутун уй ичи билан меҳнат қилишяпти. Шийпондан ўн қадамча нарида икки трактор турибди. Бирини занжир гилдиракли — шулотор учун. Иккинчиси енгилроқ — дарахт орасига ишлов бериш учун. — Бу ўғилларнинг тулпорли, — дейди Нусратилла, — сайхонликка чиққанда унисини минибди, боғ ичида бунисини. Трактор сўраб биларовга алиммайдиған бўлдиқда.

АСКАР ҚАСАМЁДИ

Кечагина мактабни битирган, бугун курсантикка қабул қилинган йигит қасамёд қилаяпти. Қарашлари мағрур, сўзлари бийор, ҳарбий либоси қадди-қоматиға қуйиб қўйгандек ярашган. Ҳа, энди у аскар. Ватан посбони. Муस्ताқил юрт ҳимоячиси. У она-Ватанин ҳимоя қилиш, керак бўлса азиз жонини ҳам аямаслик, аскарлик қасамига асло хиёнат қилмаслик ҳақида онт ичяпти. У ана шу онтининг улуғлигини чуқур ҳис этаяпти, ўзининг аскарликка лойиқ топилганидан кексиз гурурланапти.

Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

Самарқанддаги олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юртига янги қабул қилинган курсантлар қасамёдиға бағишланган маросимда ана шундай тантанаворлик, улугворлик руҳи сезилиб турди. Бир текисла саф тортидан бири-бирдан ўқтам, бири-бирдан эҳлиқ 124 нафар йигит тантанали қасамёд қилди. Йигилдан ота-оналар фарзандлари бўйи-бастиға қараб тўймади, кўплари хурсандчилиғидан кўзларига ёш олдди. — Ана, меннинг ўғлимға набағт келди, — деди ҳаяжон билан ота-оналардан бири. — Эй, тилларингдан, қоматингдан ўзим ургулай. — Очиги, мен ўғлимнинг олий ҳарбий билим юртиға киришиға унчалик ишонмовдим. Сабаби, синовлари жуда қийин деб эшитганим, — дедя сўхбатта қўшилади иккинчиси. — Спорт машғулотларини қўйиллатиш билан тест саволларидан ҳам қўриб бали олишиб болажомим. Қаранг, аскарлик либосида янада очилиб кетибди. — Кейинги йилларда билим юртимизда ўққини хоҳловчилар кескин кўпайди. Шу йилнинг ўзида 600 наф ортиқ йигит ҳарбийликка ўтиш синовларида қатнашди, — дейди билим юрти бошлиғи, полковник Шуҳрат Хусанов. — Қанийди, уларнинг ҳаммасини қабул қилишнинг имкони бўлса. Барчаси билимдон, қаққон, жасур йигитлар. Полковник таъкиллаганидек, ёшларимиз қалбида ҳарбийликка ҳавас кучли. Ўқиб ва машғулотлар ўқитиш ҳамда дам олиш учун ҳамма шароитларнинг яратилгани эса бу ҳаваснинг ўз-ўзидан мақсатга айланишиға хизмат қилаяпти. — Ўғлим шу йил ўқитиға қабул қилинди, — дейди самарқандлик Урғинбой Норматов. — Шу баҳона олий ҳарбий билим юртидаги шароитлар билан танишиш имкониятиға эға бўлдим. Курсантлар чойхонаси, музей, кутубхона, клуб каби

маданий ҳордиқ чиқариш масканлари ҳавасини келтиради. Курсантлар орасидан мамлакатимиз миқёсидаги спорт усталири ҳам етишиб чиқаяпти экан. Бу ҳақида маълумотлар билан танишиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари борасида сўз очилганда ҳарбий билим юрти бошлиғининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Нуриддин Шуқуров яйраб кетди. — Мана, курсант Ҳамид Йўлшоҳов таънада кураш бўйича ақинидада республика чемпиони бўлди, — деди у. — Кичик сержант Михаил Соколов эса алозо кураши бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг совриндори. Жонбек Нуримов, Мансур Мамамадинов ва яна қанчадан-қанча йигитларимиз маҳоратиға тан бермасдан илож йўқ. Футболчиларимиз республика ҳарбий хизматчилари ўртасида доимий 1-, 2-уринларни эғаллаб келаяпти. Курсантларимизнинг дада машқларида қўрсатётган натижалари уларнинг ҳарбий хизматчи тобора ошиб бораётганидан даволат беради, — давом этади подполковник Нуриддин Шуқуров. — Яқинда Сирдарё дареёси устидан ўтиш учун йнғама кўприк қуриш машғулиға 50 нафар курсант ва бозитимиз қатнашди. Унда битирувчилар ёш аскарларға ўз тажрибаларини амалда намойиш эта олишди. Бу эса ёшларимиз қалбидаги Ватанға муҳаббат туйғуларининг ошонишиға хизмат қилди. Умуман, ушбу машғулот мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Билим юртида бундай йигитлар кўп. Уларнинг ҳар бири қаққон ва илтим, барваста ва қабулват йигитлар. Ватаннинг ҳаққий ҳимоячилари бўлган бундай йигитларни кўриб қўнгил қувонади, албатта.

Абдураул САТТОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОҒ АРО ҚЎЙСАМ ҚАДАМ...

Худоба шукур, уч ўғлим бор. Уларни олдимға чақириб, маслаҳат солдим. Келинлар, йигитлар, биз ҳам даштдан ер олиб, боғдорчилик қилайлик, дедим. Онда аъзоларим рози бўлишди. Чунки улар ҳам кўриб туришибди, энди эскичасиға ишлаб ҳам, яшаб ҳам бўлмайди. Маслаҳат билан мана шу кўриб турганимиз боғни олдиқ. Фермер ҳўжалиғи туздиқ. Шу-шу, ишлаб ётибмиз. Ширкат ҳўжалиғи томонидан унға ажратилган ер тошлоқ эди. Боғ ҳам ташландиқ, даштнинг этағида жойлашган. Сўх дарёсидан келадиган сув бошқалардан ортса, Нусратилла тегар, бўймаса йўқ эди. Нусратилла ўғилларининг кўнглини кўтарди: «Бўлик, сувлик ерда умрида қўлиға кетмон ушламаган одам ҳам деҳқончилик қилаверди. Бизнинг чекимизға тушгани шу ер экан, хафа бўлмай, белни маҳкам боғлайлик, болаларим!»

Уч ўғил, ота-она, қизлару келинлар, қариндош-уруғлар ҳашарлашиб 15 гектар ерни ер қилгунча бир-икки қовун пишиғи ўтди. Боғдаги дараклар қартайган, мевасининг нави паст эди. Нусратилла уларнинг кўпини қирқди, баъзиларига янги ниҳоллар пайванд қилди. Уч-тўрт йил ичида кўхна тошлоқ ўрнида бодом, олма, ёнғоқ, айниқса, қантак ўрик новдалари туркираб меваға кира бошлади.

Фермер ҳўжалиғи оёққа туриб, қаддини ростлаган, Нусратилла уни кенгайтиришни ўйлади. Яна қўшимча ер олди. Шу тариха унинг боғдорчиликка мўлжалланган умумий ер майдони 45 гектарға етди. Нусратилла янги очилган ва тош-шағалдан тозаланган ериға турли хил сабзавот, полз экчилари билан бирта оз-моз галла ҳам эмақчи бўлди. Бу орада жан-

лигимиз, хоҳласак эмақимиз пахтағи, хоҳласак йўқ, зўрлаш кетмайди» деб оёқ тиради. Жанжал туман ҳокимлиғида муҳокамаға, муҳокама вилоят миқёсидаги судға айланди. Сўзни яна Нусратиллаға берайлик. — Шундай қилиб, ишимиз судға тушди. Фермер бўлиб ҳали бирон нарсани қўйил қилмаган бўлсақ-да, суд ҳайати олдида тикка туриб жавоб берадиган бўлдиқ. Турғи, биз жиноятиқ эмасмиз, бировнинг ҳақини емаганмиз, бировға хиёнат қилмадик. Биламиз, фермерлик фаолияти ҳақидаги қонунлар бизни ҳимоя қилиши керак. Аммо барбир кишиға алам қилар экан. «Нусратилла Рустамов суд бўлаётганимиш» деган гапнинг ўзи эшитган қулқоққа яхши эмас. Дўст бор, дўшман бор... Буниси ҳам майли-я. Бутун бошда бир туман раҳбарининг тап тормай бир фермерни судға бериб ўтиргани юрагиниға ҳўванани тошдек боғтар экан. Ахир ўша раҳбар ўзининг ноҳақчилиғи билди-ку! Ножўя қилиғи билан бир деҳқонға жабр қилаётганини, уни ишдан қолдириб, анча-мунча харажатта тушираётганини билмайдими? Билади. Бироқ, балон нафс дегандек, ўзи ўтирган курсида тагин бироз ўтириш учун ҳар қандай инсофсизликдан қайтмайди. Шуниси алам қилди одамға. Турғи-турғи ўйлиниб қолмаган. Шунчақ болоҳур раҳбарлар билан ислохотларни тезлаштириб бўлармикан? Баъзи бир кимсаларнинг кўзларини чирт юмиб, ушандай турғиларни ёқлаб турганиға нима дейсиз? Қийин-қийин, яна меҳнаткаш халққа қийин-да, ака.

Нусратилла қуйиб-пишиб гапирди-ю, бирдан жим бўлди. Ҳа, ўзи берган саволларға ўзи жавоб излагандек, рўпарадаги дурқун олмазор-

ҳақиқатта етдим: бошқарув органлари, умуман, маъмурият фермерлар ишиға аралашмаслиғи керак. Бу махсус қонунларда ҳам аниқ-тиниқ кўрсатилган. Агар фермер шартномани бузса, гаирқонуний юмуш қилса, жазолансун керак. Аммо эски замонадагидек, уни эки, бунни эки, суғор, энди ўриб ол, деб ақд ўргатавермаслик лозим. Нима қилиш кераклигини фермернинг ўзи яхши биледи. Биздан мен ҳалиғида қасамга раҳбарларға қарата «Ўзбек деҳқончи саховати, у қулда кирмонини йиғиб олғач, қафсан беришдан қочмайди» дегим келаяди. — Айтмоқчи, мана, сиз қаддингизни тиклаб олибсиз. Бу йил галлангиз яхши битиди. Боғдаги мевалар ҳам ёмон эмас. Муҳтожларға хайр-эҳсон қилиб тургандир-сиз?

— Сиз ҳам оғриб турган еримға тегдингиз, ака. Юқори ташкилотлардан гоҳо сўраб қолишад. Кимға қанча моддий ёрдам қўрсатдингиз, рўйхатини беринг, дейишади. Имкон қадар эл-юртаға қўмақлашиб турибмиз. Лекин фалон кишиға фалон сўм бердик, деб ҳар солиш шартми? Ҳимматдан кейинги миёнат ўша ҳимматини йўққа чиқаради. Халқ ҳам яхшилик қил, дарёға ташла, балдиқ биледи, балдиқ билмаса, халиқ биледи, деб қўйибди. Озми-кўпми қилаётган эҳсонимизни одамлар билса бўлди-да, нима дедингиз? Нусратилла гапиряпти-ю, мен деворға осиглик торға қараб-қараб қўйдим. Хофиз ниятимизни пайқаб кулимсирлади: — Тушундик, ака. Қанча қўшиқ десангиз, айтиб бераман. Қўшиқ айтишини яхши кўраман. Лекин, Фуркат айтмоқчи, сўп тополмай дегман. Ҳўп десангиз, юринг, бизнинг қовун ползини бир айланайлик. Ҳў қўлингиз би-

БОЖХОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИ ҚЎМИТАСИ ЙИГИЛИШИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ). Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божхона институтида Осие тараққиёт банки (ОТБ) Божхоналар ҳамкорлиғи қўмитасининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ҳамкорликда амалға оширилиш мўлжалланган тадбирлар лойиҳаси ва божхона тизимидagi ислохотларни ҳаётға жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганди. Божхоналар ҳамкорлиғи қўмитасининг бу галги иккинчи учрашувида эса бож-

2002 йилнинг 20-21 августида Хитойнинг Урумчи шаҳрида Божхоналар ҳамкорлиғи қўмитасининг биринчи учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ҳамкорликда амалға оширилиш мўлжалланган тадбирлар лойиҳаси ва божхона тизимидagi ислохотларни ҳаётға жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганди. Божхоналар ҳамкорлиғи қўмитасининг бу галги иккинчи учрашувида эса бож-

хона иши ва ҳужжатлаштириш тартибини соддалаштириш ҳамда бирхиллаштириш, чегаралардан ўтиш жойларини биргаликда таркомиллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва стратегияни ишлаб чиқиш, соҳаға ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этишға оид масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланган.

Advertisement for NIVEA cosmetics. Text: МАҲСУЛОТИ ДИСТРИБЬЮТЕРИ Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида ДИЛЕРЛАРНИ ҚИДИРМОҚДА. Тошкентдаги телефон: 186-14-92.

фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Фондинг молиявий фаолиятини тақдим этиш натижалари асосида фонд тафтиш комиссияси қўйилдиғиларини ўз ичига олган ҳулоса тайёрлайди: ҳисоботлардаги ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончли эканлиғиға берилган баҳо; бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби бўзилганлиғи ҳоллари тўғрисидаги маълумот; аниқланган қоидабузилдиқларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек фонд молиявий фаолияти самарадорлигини оширишға оид тақлифлар. 33-модда. Фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш. Фонд қонун ҳужжатлариға мувофиқ ҳар йили ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиши шарт. Аудиторлик ташкилотини фондинг васийлик кенгаши ташайди. Фондга алоқадор шахслар фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишға аудитор сифатида жалб этилиши мумкин эмас. 34-модда. Фонд фаолиятини тўхтатиб қўиш. Фонд қонун ҳужжатларини ва фонд уставида белгиланган талабларни бузган тақдирда унинг фаолияти рўйхатдан ўтказиш органининг аризасиға биноан суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин. Фонд фаолиятини тўхтатиб қўиш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланган. 35-модда. Фонд фаолияти устидан давлат назорати. Фонд фаолияти устидан давлат назорати рўйхатдан ўтказиш органи ва бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатлариға мувофиқ амалға оширилади. VII. ЯКУЛОВЧИ ҚОНДАЛАР 36-модда. Фондин қайта ташкил этиш. Фондинг васийлик кенгаши қарорига биноан фонд қайта ташкил этилиши мумкин. Фондинг қайта ташкил этилишиға фақат бошқа фонд билан қўшиб юборилган, бошқа фондини бириштириб олган ёки бошқа фонда бириштирилган ҳолларда йўл қўйилди. 37-модда. Фондин тугатиш. Фондин тугатиш манфаатдор шахсларнинг аризасиға асосан суднинг қарорига биноан амалға оширилади. Фонд қўйилган ҳолларда тугатилиши мумкин: фонд ташкил этилишидан қўзланган мақсадта эришилганлиғи муносабати билан;

ташқарида жойлашган ҳамда унинг манфаатларини ифода қилган ва ҳимоя қилдиған алоҳида бўлиминсидир. Фондинг филиали фондинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисминини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлиминсидир. Фондинг ваколатхоналари ва филиаллари фонд номидан иш қуради ҳамда уставда белгиланган мақсад ва вазифаларининг амалға оширилиши учун фонд олдида масъулдир. Фондинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фонд қўрсатётган ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахс бўлмайди, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ваколатхоналар ва филиаллари фонд мол-мулк билан таъминланади. Ваколатхона ва филиалнинг мол-мулк алоҳида балансида ҳамда фондинг балансида ҳисобға олинади. Фондинг ваколатхоналари ва филиаллари фонд бошқаруви томонидан тасдиқланган низоми асосида фаолият қўрсатади. 6-модда. Чет эл фондиннинг ваколатхоналари ва филиаллари. Чет эл фондинлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлариға мувофиқ ўз ваколатхоналарини очиди ва филиалларини ташкил этиши мумкин. Чет эл фондинларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият қўрсатётган ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахс мақомиға эға бўлиши керак. Чет эл фондинларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият қўрсатётган ваколатхоналари ва филиаллари, қонунда бошқақа қондалар белгиланган бўлмаса, фондинларнинг ташкил этилиши, фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган қондалар татбиқ этилади. 7-модда. Фондиннинг фаолияти кафолатлари. Ўзбекистон Республикасида фондиннинг фаолият эркинлиғи, мулк дихсизлиғи ҳамда ишчанлик нуфузи ҳимояси кафолатланади. Фондинларнинг мол-мулк национализация, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. 8-модда. Фондиннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари. Фондинларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади.

зифалари қўрсатилган ҳар қанча; фонд уставидан икки нусра; рўйхатда олиш йнғими тўланганлиғи тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати; фондинг дастлабки маблағлари шаклланганлиғини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган ҳужжатлар муассислар (муассис) фондин ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган қундан эғтиборан икки ой ичида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади. Фонд вазиятнома бўйича ташкил этилаётган бўлса, мазукур ҳужжатлар меросқа бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганидан кейин икки ой ичида тақдим этилади. Чет эл фондинларининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилиши учун қуйилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш органи тақдим этилади: рўйхатта олиш тўғрисида фонд ваколатли органининг аризаси; фондинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, фондинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низоми; ваколатхона ёки филиал мол-мулкнинг бошқариш учун фондинг ваколатли органи томонидан берилган ишончнома; фондинг рўйхатдан ўтказилганлиғи тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг ёки уларнинг ўринини босувчи ҳужжатларнинг белгиланган тартибда депозитлаштирилган ҳамда давлат тилиға таржима қилинган матни; рўйхатда олиш йнғими тўланганлиғи тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати. Республика фондинлари ва маҳаллий фондинларнинг ваколатхоналари ҳамда филиаллари қайда этилиши учун қуйилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш органи тақдим этилади: фонд бошқаруви томонидан тасдиқланган, фондинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги низоми; ваколатхона ёки филиал мол-мулкнинг бошқариш учун фонд бошқаруви томонидан берилган ишончнома; фонд уставининг ва фонд давлат рўйхатидан ўтказилганлиғи тўғрисидаги гувоҳноманин нусхалари. 15-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайда этиш тўғрисидаги қарор. Фондин давлат рўйхатдан ўтказиш ёки фонд ваколатхонаси ва филиалнинг қайда этиш учун ҳужжатларини қабул қилган рўйхатдан ўтказиш органи бир ой ичида давлат рўйхатдан ўтказиш ёки қайда этиш тўғрисида ёҳуд давлат рўйхатдан ўтказиш ёки қайда этишнинг рад қилиш тўғрисида қарор чиқариши шарт. Рўйхатдан ўтказилган фонда, чет эл фондиннинг вако-

25-модда. Фондга ҳисобға олиш ва ҳисобот. Фонд ўз фаолияти натижалари ҳисобини юритиш ҳамда белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлариға ҳисобот тақдим этиди. Фонд ҳар йили олдинги йилдаги ўз фаолияти тўғрисида қуйилдиғиларини ўз ичига олган ҳисобот эълон қилди: фондинг ҳисобот даридаги фаолияти шарҳини, бу фаолият фондинг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларға мувофиқлиғи даражасини қўрсатган ҳолда; фондинг йиллик молиявий ҳисоботини, аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини қўрсатган ҳолда; фонд олган иштирий хайриялар тўғрисидаги маълумотларни; фондинг тадбиркорлик фаолиятиндан олинган даромадлари (фойдаси) тўғрисидаги маълумотларни, бу даромадларнинг (фойданин) келиб чиқиш манбаларини алоҳида-алоҳида қўрсатган ҳолда; харажатлар умумий суммасини, фонд фаолиятининг айрим турлари бўйича ва маъмурий харажатлар бўйича алоҳида-алоҳида қўрсатган ҳолда; фонд уставини ва фонд органларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни; фондинг уставида ёки фондинг васийлик кенгаши томонидан белгиланган бошқа маълумотларни. V. ФОНДИН БОШҚАРИШИ 26-модда. Фондинг васийлик кенгаши. Фондинг васийлик кенгаши фондинг органи бўлиб, у фонд фаолияти устидан назоратни амалға оширади. Фонд васийлик кенгашининг таркиби камидан уч кишидан иборат бўлиши керак. Васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзолари муассислар (муассис) томонидан ёки фонд вазиятнома бўйича ташкил этилган бўлса, вазиятнома назарда тутилган тартибда тайинланади. Фондинг васийлик кенгашининг тузилиши, васийлик кенгаши йнғиллиларини қақриши ва васийлик кенгашининг қарорларини қабул қилиш тартиби фонд уставида белгиланади. Фонд васийлик кенгашининг аъзолари айни бир вақтининг ўзида фондинг бошқаруви ва тафтиш комиссиясиға аъзо бўлишлари мумкин эмас. Фондинг уставида фонд васийлик кенгашининг аъзолариға ҳақ тўлаш ва уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш назарда тутилди мумкин. 27-модда. Фонд васийлик кенгашининг ваколатлари. Фонд васийлик кенгашининг ваколатлари қуйилдиғилар қиради:

Абдухалиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан

Биз бугун Хожа Абдухалиқ Ғиждувоний ҳақида, ул зоти шарифнинг таваллудига тўққиз юз йил тўлаётганлиги муносабати билан одатдагидан кўра фаолроқ фикр юритмоқдамиз. Аслида бундай зотларнинг таваллудлари бизларнинг тафаккурларимизда, ақл билан чамбарчас боғлиқ юракларимизда ҳамда юрак билан узилимас алоқада бўлиб турган ақлларимизда, уларнинг меросларига мурожаат қилган ҳар бир лаҳзада руй бериб турадиган кутлуғ ҳодисадир.

рининг ворислар томонидан шарҳлангани бу бебаҳо ҳазинани камфаҳмиқ балосидан асраб қолиш эканлиги эътиборга қилинган. Ва шунинг баробарида Ғиждувондан етишиб чиққан ХОЖА-нинг ўз замонашлари ақлидан чақнатган закиндиларидир. Масалан, биз Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг: **Йўлга назар соясан асар, чеккада оқ, Юрғанда ҳазийр бўл, четиди борир чоқ.**

ОЗОДЛИК СИЛСИЛАСИ

ёҳуд Хожа Жаҳон ҳикматларини ўқиш ва ўқининг баъзи жихатлари хусусида

«Хуш дар дам!» деб хитоб этган эди Ғиждувоний ҳазратлари. Буюк бобомизнинг бу қалами алломаларимиз томонидан «Хар бир нафасда оғоҳ бўлиш, гафлатга йўл қўймайлик, бошқача айтганда, фикру хаёлини бир ерга тўппал, ёлғиз Аллоҳга қаратин» маъносида талқин қилинган. Хитоб бу ёқда турини, хатто мазкур талқиннинг ўзи ҳам бир китобга мазмуни буларли салмоққа эгадир.

нинг бир қатраси эканлигини таъкидлашди. Бунинг воситасида ана шу инсонни камолотга яқинлаштириш, бир риёзатгалаб ишда унга малад кўрсатиш, унинг билан илоҳий ўқитишда воситачилик қилиш ҳам сўфий боболаримиз чеккан риёзатларнинг моҳитини ташкил этади.

Дуст очса эшик гар сенга ўз одамидек, ўз ҳаддини билмас кўнмау, кўз ва ниҳод, деб оғоҳлантурувчи байтларини ўқир эканмиз, бектиёр Ғиждувонийнинг «Назар дар қалам», деб битилган ҳикмати хотирга келади. Бу мисраларда, бир томондан, зоҳиран, ҳаёт йўлидаги ўқир-чўқирликлар, ўқиндиқ, шунингдек, бегоналикнинг ҳондониди ўзинини шарият аҳкомларида биноан тутиш масаласи аниқлашди, иккинчи томондан ботиний йўлда ботиний тарзда юрган пайтдаги руҳий-ахлоқий хоҳар, шунингдек, инсон руҳиятига эшик санамини ўз кўнглини очган одамнинг инсоний кечинмаларини тафаккур тарафусига солиб ўлчаганда ақл кўзи, ақл нигоҳи мубоинга риоя қилиш муаммоси илтари сурилиши мумкин.

ридилар. «Сафар дар ватан» мақолидаги инсонлар, ҳақнинг барча бандалари бир-бирлари билан маҳаб бўлиб турган юлдузлар сингари, ушбу тириклик осмонда ҳам, ундан кейин ҳам бир-бирларини ушлаб, ҳамжиҳатликда Ҳаққа талпиниб туришларини теган аниқлайдилар. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари: **Ул килриси ўқ, қоша камон, кўрқарман, Бир чимрлар аста мен томон, кўрқарман, Эл қўрқадди, Эмон кўздан, мен— Ул кўзлари ахшидан Эмон кўрқарман,** деб ёзар экан, бизнинг ҳаминша илоҳий камол назоратида эканлигимизни таъкидлайди. Ўз нуқсонларимизга қарши жанг эълон қилиб, фазилатларимизни таъкидлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш туфайлигина бу қардорликдан хоҳаб бўлишимиз мумкин. Хожа Абдухалиқ Ғиждувоний ва ул зоти шариф мансуб бўлган силсила маънавий ҳалқлар билан кўпубай Шарқ мамлакатларини, ҳатто Африка қитъасида жойлашган кишварларга, уларнинг эъзлик, инсонпарварлик, эрқларварлик гоялари билан фахт этганлар.

Ярим финалчилар аниқланди

Лекция муسابоқанинг биринчи раундида Петра Мандулага ача «бош оғриқ» бўлди. Оқулнинг жиддий қаршилиги Мандулагани тилиқтирганини иккинчи раундда билдириди. Испаниялик Аранта Паррага у ҳеч қандай қаршилик кўрсатма олмади, ракеткасини муسابоқа тугамай гилофига солди. Аранта эса қалабали олимнинг келма давом эттирди. У саралаш ўйинларидан бахаларни бошлаган россиялик Людмила Скарновская билан қортушиб, 6/3, 6/4 ҳисобларида му-

ваффақият қозонди. Кечаги урашувларнинг энг кескин, шубҳасиз, Хорватиянинг иккинчи ракеткаси дея баҳоланаётган Елена Костанич ҳамда япониялик Саори Обата ўртасида кечди. Елена Костанич чорак финалда россиялик Мария Кириленкони мағлубиятга учратиб чиққан бўлса, «Tashkent open»нинг учинчи ракеткаси Саори Обата вакили Ивана Исроиловдан устун келган хитойлик Жи Зенгига зафарли юришга тўққизлик қилганда, Обата ва Костанич «жанг»-

тида япониялик теннисчининг қўли банд келган бўлса-да, мутахассислар хорватиялик теннисчи маликиса галабага ҳақдор эканлигини таъкидлади. Тўғри, Елена ажойиб «финт»-лари билан Саорини биринчи сетага етди. Бироқ рақибини ўз услубида ушлаб олган Саори кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилиб, ярим финалга йўл олди.

«Tashkent open» турнири кутилмаган натижаларга боғлиқ бўлганлиги, ҳар бир иштирокчиларнинг ўзбекистонда жиддий таъриқлар билан келганлигини кўрсатиши, — деди япониялик теннисчи Саори Обатанинг мурабийи Тим Николас.

Дарҳақиқат, мутахассиснинг фикрини биринчи босқичдаёқ ҳамюртимиз Оқул Омонмуродова ибоботлади. Тўғри, у кейинги босқичга чиқа олмади.

Ярим финалда Аранта ва Саоридан ташқари, шунингдек, Эммануэл Гальдари, Руно Паскуаллар ҳам чиқишди. Дилмурод ПАРТИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт Иккинчи мавсум февралда бошланади

Ўтган йилдан йўлга қўйилган Осиё чемпионлар лигасининг 2002 — 2003 йилги голиби номи хали аниқланганича йўқ. Лекин ушбу йўлдан турининг навбатдаги мавсуми 2004 йилнинг 11 февралдан бошлангани маълум қилинди. Бу ҳақида footballasia.com хабар беради. Олинган маълумотларга кўра, чемпионлар лигасида қатнашадиган жамоалар энди баҳсларни аввалгисидан фарқли равишда гуруҳ ўйинларидан бошлайди. Иштироки жамоаларга тўхталатилган бўлса, қитъанинг 14 давлатидан 28 жамоа иштирок этиши кўзда тутилган. Осиё футбол конфедерациясининг қарорига биноан, фақатгина чемпионлар лигасининг илк голиб жамоаси давлатига учта имтиёз ажратилди. Шунингдек, бу мавсум чемпиони муسابоқага гуруҳ урашувларидан сўнг киришди. Маълумки, бундай имтиёзни қўлга киритиш учун «Пахтакор»ни ярим финалда мағлубиятга учратган Таиланднинг «Бек-Теро» ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» жамоалари яқин туришибди.

“TEZINTOM” ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ. ҲАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖУМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИМ ҚИЛАДИ. ТУРАЙ РАНГАЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ТУМ ЎЛЧОҚ АНЖУМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЛАВИШ ТУМАЛАР ҲАМДА КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРАДИ. ДАВРОР ВА ОСМА ШИРОТ ДЕКОРАТИВ ПАНАЛАРИ, УРАТҚИЧ ЗАЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАДА ТУРАЙ РАНГАЛАРИ ПОЛИМЕР ҚОТЛАМАЛАРИ БЕ-ЛАН БЕ-ЛАН БЕРИЛИ. “МБЕН” (Германия), фирмаси таълимоти асосида ағроси мўддатта металл ва эметр ўтказувчи таълимоти маҳсулотларига. GERMANIYANING “НЕВО” ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЯРЛАНГАН ЮКСАҚ ВАДИЙ САВИЯДАГИ НОВБЕ МЕТАЛЛА МАХСУЛОТЛАРИ. Жамкамдор панжаралар, сувчиқар, гаройиб дарвозалар, қалдёллар ва бошқа турал буюмлар. Жамкамдор панжаралар, сувчиқар, гаройиб дарвозалар, қалдёллар ва бошқа турал буюмлар. “ТЕЗИНТОМ” қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли қамайтирилган. Манази: Тошкент ш., Мухитдинов к., ПГОЭМЗ-1) Мўлжал: «Буюк Инак йўли» м. ст.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Ўз мухбириамиз.

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК Тошкент шаҳар Нукус кўчасида қад қўтарилган «Ўзбекистон темир йўллари музейи» биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Лойиҳанинг ишлаб чиқиш муддати-шартнома имзолангандан сўнг бир ой. Курилиш объекти ўрни чизмаси. Тендер ҳужжатларини олиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг Капитал курилиш ва техник қайта жиҳозлашни дирекциясига, 404-хонага, куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шевченко кў. 7. Телефонлар: 138-83-38, 138-89-03. Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги